

Кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан очиқликни таъминлаш борасидаги ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сонли Фармонига асосан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида **Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилиб**, унинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Агентлик фаолияти ҳукуқий асосларимизни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бўйича **46 та** меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди (**7 та** қонун, **5 та** Президент Фармони ва қарори, **28 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори ва **6 та** идоравий ҳужжатлар). Шундан **2 та** Қонун, **3 та** Президент Фармони ва қарори, **8 та** Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда **4 та** идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида Кадастр агентлиги тизимида **6 427 нафар** ходимлар аттестациядан ўтказилди.

Ходимлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўтган давр мобайнида тизимдаги **мингга яқин** ходимнинг малакаси оширилди.

Соҳани рақамлаштириш бўйича.

1) Соҳани рақамлаштириш учун зарур бўлган йирик доимий хотирага эга “Маълумотлар маркази” ишга туширилди.

Давлат кадастрлари миллий маркази, Тошкент шаҳар “Ермулккадастр” корхонаси ва “Ўзбектелеком” серверларида тарқоқ сақланиб келинган **маълумотлар ягона ахборот базасига** жамланди.

2) Ўзаро интеграция қилинмаган “Давреестр”, “Кўчмас мулк”, “Кўчмас мулк-3” ахборот тизимлари ўрнига Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” яратилди.

Натижада, кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер ва ердан фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни, ер участкасининг чизмаси ва чегарасини **ягона ахборот тизимида** амалга ошириш йўлга қўйилди.

3) 2021 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон тарихида илк бор янги интеграциялашган ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ерларини электрон шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш бошланди (аввал қишлоқ хўжалиги ерлари электрон шаклда рўйхатдан ўтказилмаган).

Жорий йил 1 январь ҳолатига **170,9 мингта** қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг **23,1 млн гектар** (96 %) ер майдонлари рақамлаштирилди ва **электрон харитада** аниқ жойи, чизмаси ва чегараси ахборот тизимида киритилди.

Электрон ҳисобга олинган ер майдонларида **127,4 мингта** ердан фойдаланувчилар ва уларнинг **21,8 млн гектар** (95 %) ер майдонлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли хужжатлари тўлиқ бўлмаган **38 мингта 1,1 млн гектар** (5 %) ер майдонидан фойдаланувчилар ҳисобга олинди.

Бундан ташқари, ўрмон фонди ерларининг **11 млн гектари** (91 %) рақамлаштирилди ва электрон харитада аниқ жойи, чизмаси ва чегараси ахборот тизимиға киритилди.

4) “ArcGIS” дастурида **онлайн геопортал** (gis.kadastr.uz) pilot тарзида ишга туширилди ва барча ер участкаларини **электрон хариталари** яратилиши йўлга қўйилди.

5) Кадастр маълумотлар базаси 26 та давлат ташкилотлари ва бошқа идоралар билан **интеграция қилиш ишлари якунига етказилди.**

Кўчмас мулкларни ҳисобга олиш, назоратни таъминлаш ҳамда бўш ер майдонларини аукционга чиқариш бўйича.

1) Кадастр агентлиги ташкил этилгандан буён **412 мингта қўшимча объект** аниқланди ва улар солиқ идорасига **онлайн тарзда** тақдим этилмоқда (кадастр базасида объектлар сони **8 мингта**га етди).

Натижада, бюджетга **442,3 млрд** сўм (152,3 млрд сўм ер солиги ва 290 млрд сўм мол-мулк солиги) қўшимча солиқ ҳисобланди.

2) Жойлардаги **478 мингта** кўчмас мулк обьектида **қўшимча қурилмалар** аниқланиб, кадастр баҳоси қайта кўриб чиқилди. Бунда, бюджетга **мол-мулк солигига қўшимча 145,3 млрд** сўмлик манба яратилди.

3) Олиб борилган назорат тадбирлари натижасида **16 893 ҳолат**да **2 541,3 гектар** майдон **ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш** бўйича ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Шундан, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда **8 823 та 2 013,7 га**, аҳоли пунктлари ерларида **7 541 та 492,0 га**, саноат, транспорт, алоқа мудофаа ва бошқа ерларида **55 та 3,0 га**, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда **1 та 0,006 га**, ўрмон фонди ерларида **28 та 2,4 га**, сув фонди ерларида **97 та 10,3 га**, ва захира ерларида **348 та 19,9 га**.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича **16 278 та** мажбурий кўрсатма берилди, фуқаролик ишлари бўйича судларга **5 038 та** даъво аризалари киритилди (ҳокимликлар томонидан 3 035 та 367,3 га, кадастр агентлиги томонидан 2 003 та 259,9 га), қўшма тартиб асосида прокуратура органларига **762 та** ҳолат бўйича маълумотлар юборилди.

Ер ва кадастр соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган **30 100 та** шахсларга нисбатан **маъмурий жавобгарлик чоралари** қўлланилди.

4) 2021 йил давомида Кадастр идоралари томонидан **107 334 та 5 830,1 гектар** бўш ер участкалари аниқланиб, **74 091 та 3 323,5 гектар** ер участкалари “*Yerelektron*” тизимиға киритилди.

Шундан, ваколатли органлар томонидан:

25 706 та 14 554 гектар ер участкалари **рад этилди**;

18 992 та 923,9 гектар ер участкалари **кўриб чиқилмоқда**;

30 115 та 1 670,2 гектар ер участкасига ижобий хулоса берилиб “E-Ijro auksion” орқали **аукционга чиқарилди**.

Аукционга чиқарилган ер участкаларининг **8 636 таси 601,3 гектар** аукционда **сотилди**.

5) 2021 йил давомида 5 876 та геодезия пунктларини текшириш ишлари амалга оширилди, 592 та геодезия ўлчовлари бажарилди, 80 км ниверлаш ишлари бажарилди.

61 513 кв.км. майдонда аэрофотосуратга олиш ишлари бажарилди, **26 000 кв.км.** майдонда ортофотопланлар яратилди, **2 144,5 минг кв.км.** майдонда дешифровка ишлари бажарилди.

60 240 кв.км. майдонда топографик хариталар янгиланди, **4,2 минг кв.км.** очик турдаги хариталарни янгилаш ишлари амалга оширилди, **1 439,1 кв.дм.** сиёсий-маъмурӣ хариталар яратилди ва **46 500 та** географик объектлар номлари давлат экспертизасидан ўтказилди.

217 та геодезия ва картографияга оид техник лойиҳалар ва **149 та** геодезия ва картографияга оид ҳисботлар экспертизадан ўтказилди.

6) Илк маротаба мамлакатнинг табиий-географик ўрни, ресурслари, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолиси, иқтисодиёти ва тарихи акс эттирилган 2 жилдан иборат Ўзбекистон Миллий атласи яратилди.

Агентлик тизимида очиқликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар.

2020 йил 7 сентябрда Давлат раҳбаримизнинг ПҚ – 4819-сон қарорга мувофиқ агентлик **марказий аппарати** ҳамда **худудий бошқармаларида Ахборот хизмати ташкил этилди**.

Малакали ходимларни жамлаш, малакасини оширишга эътибор қаратаябмиз.

“Ахборот хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий PR ёндашувлар” мавзусидаги **семинар-тренинг ўтказилди** (14-16 июнь).

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 139 та давлат бошқарув органлари Ахборот хизматларини баҳолаш рейтингида биринчи **10 таликдан**, Агентликлар ичida **3 ўринни эгаллади**.

Ҳозирда Агентликнинг **kadastr.uz** расмий веб-сайти, **телеграм**, **инстаграм**, **фейсбуқ** ижтимоий тармоқларида ҳамда **ютуб платформасида** расмий саҳифалари мавжуд.

Ушбу саҳифаларда **22 мингдан ортиқ кузатувчилар** қамраб олинган. (“facebook”да **3 277 та**, “telegram”да **9 650 та**, “Instagram”да **3 721 та**, “YouTube”да **5 283 та**)

Фаолиятимизда “**очиқликни** таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. 2021 йилда **939 та** матн шаклида, **1 820 та** фото, **208 та** инфографика, **392 та** видео ахборот ресурслари эълон қилинди, **20 та** матбуот анжумани, **40 дан** ортиқ брифинглар ўтказилди.

Оммавий ахборот воситаларида **соҳамизга тааллуқли масалалар күтарилиганды**, уларни тезкорлик билан ўрганиб чиқиш тизими йўлга кўйилган (2021 йилда **126 та расмий муносабатлар** билдирилди).

Соҳа бўйича жисмоний ва юридик шахсларга **15 турдаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда** (**13 таси электрон ва 2 таси анъанавий**).

Шундан, **3 та** хизмат тури “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинган ҳолда кўрсатилмоқда.

Кадастр агентлиги масъул бўлган йўналишда **маълумотларни очиқланиши**, фуқаро ҳамда тадбиркорларга давлат идораларига бормасдан, [масофадан бемалол фойдаланиш](#) имкониятини яратиш бўйича ҳам алоҳида ишлар олиб борилмоқда. [Масалан:](#)

- фуқаролар ҳамда тадбиркорлар кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни ва давлат реестридан кўчирмани [davreestr.uz](#) ахборот тизими орқали олишлари мумкин.

Ушбу тизим 2021 йил январь ойидан ишга туширилди ва мулк эгаси кўчмас мулкнинг кадастр рақами, паспорт серияси ва рақами, жисмоний шахслар ЖШШИР (ПНФЛ), юридик шахслар эса СТИР орқали обьектини қидириш, танишиш ва кўчирма олиш имконияти яратилди (илгари кадастр идорасига ёки ДХМга бориши керак эди).

- ҳар қандай фойдаланувчи кўчмас мулк, унинг тури, жойлашган жойи, чегараси, майдони ва ҳуқуқ эгалари ҳақида [map.geoportal.uz](#) сайти орқали маълумот олиш имконияти яратилди.

- ҳозирда **24 та** йўналишда очик маълумотлар Агентликнинг [kadastr.uz](#) расмий веб-сайтига жойлаштирилиб, янгиланиб борилмоқда.

- давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда очик маълумотлар **(data.gov.uz)** порталига **8 турдаги ахборотлар** жойлаштирилиб келинмоқда

(1) *Раҳбариятнинг қабул кунлари ва алоқа маълумот;* (2) Агентлик ҳақида маълумот, (3) *Ташкилотнинг қуви ташкилотлари худудий бўлинмалари ҳақида маълумотлар;* (4) Вакант иш жойлари ҳақида маълумот; (5) Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ва мурожаат каналлари бўйича маълумот; (6) “Yerelektron” ААТ маълумотлари; (7) Ер фонди ҳисоботи, (8) Кўчмас мулк обьектлари сони ва уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот.